

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

399 Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2702*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги низомнинг 14-бандига мувофиқ ҳамда идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дориларини ишончли сақланишини ташкил этиш мақсадида **буюраман:**

1. Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талаблар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир

А. АХМЕДБАЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 30 июнь,
105-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2015 йил
30 июндаги 105-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга
олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш
журналларини юритиш тартибига қўйиладиган
ЯГОНА ТАЛАБЛАР**

Мазкур Ягона талаблар Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги низомнинг 14-бандига мувофиқ идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Ягона талабларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қурол ва ўқ-дорилар — фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкни, табиатни, табиий бойликларни, қимматбаҳо ва хавфли юкларни, махсус почта жўнатмаларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган ташкилотлар ходимлари томонидан фойдаланишга мўлжалланган идоравий ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари;

қуролхона — қурол ва ўқ-дориларни сақлашга мўлжалланган, техник жиҳатдан мустаҳкамланган ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланган иншоот (омбор, хона);

ташкilot(лар) — республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг қурол ва ўқ-дориларни сақловчи ва улардан фойдаланувчи бўлинмалари.

2. Мазкур Ягона талаблар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси тузилмасига кирувчи ҳамда ўқотиш спорти ташкилотларига татбиқ этилмайди.

3. Ўқотар спорт қуроли ва унга ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоби ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журнални юритиш Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2701, 2015 йил 23 июль) белгиланган тартибда амалга оширилади.

**2-боб. Қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш
китобини юритиш**

4. Ташкилотга фойдаланишга қабул қилинган ҳамда унда фойдаланилаётган қурол ва ўқ-дориларнинг ҳисоби ҳар бир ташкилотда юритиладиган Қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китобида (бундан буён матнда китоб деб юритилади) олиб борилади.

5. Китобда қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш билан бирга, уларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва ҳисобда мавжуд бўлган қуроллар ва ўқ-дориларнинг ҳаракати билан боғлиқ маълумотлар ҳам акс эттирилади.

6. Китоб уч қисмдан иборат бўлади.

7. Китобнинг биринчи қисмида қурол ва ўқ-дориларнинг жамланма ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади ва у мазкур Ягона талабларнинг 1а-иловасига мувофиқ шаклдаги жадвал кўринишида ҳар бир қурол (аниқ бир турдаги, номдаги, марка, модель ва калибрдаги) ҳамда унинг ўқ-дорилари (аниқ бир партия, калибр ва миқдор) бўйича алоҳида расмийлаштирилади.

Китобнинг мазкур қисми қурол ва унинг ўқ-дорилари ҳисобга олинган ҳамда (ёки) ҳисобдан чиқарилган вақтдаги уларни ҳисобда мавжуд бўлган жами миқдорини аниқлаш учун юритилади. Бунда ҳисобда мавжуд бўлган қурол ва унинг ўқ-дорилари жами миқдори аниқ бир санада ҳисобга олинган ва (ёки) ҳисобдан чиқарилган қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари миқдорини уларнинг мавжуд миқдоридан айириш ва (ёки) унга қўшиш орқали аниқланади.

8. Китобнинг иккинчи қисмида қуролнинг индивидуал ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади ва у мазкур Ягона талабларнинг 1б-иловасига мувофиқ шаклда юритилади.

Китобнинг мазкур қисмида:

қуролнинг ҳисобга олинган санаси;

қурол ташкилотга қачон ва қаердан келиб тушганлиги;

қуролни ҳисобга олиш учун асос бўлган кириш ҳужжатининг (счёт-фактура, юк хати) рақами ва санаси;

қуролга оид индивидуал маълумотлар;

қуролнинг ҳисобдан чиқарилиши сабаби (бериб юборилиши (юборилган жойи кўрсатилган ҳолда), йўқотилиши (талон-торож қилиниши) ёки яроқсиз ҳолга келиши) ҳамда ҳисобдан чиқариш учун асос бўлган ҳужжат (чиқим ҳужжати (счёт-фактура, юк хати), суриштирув ёки дастлабки тергов органининг тегишли қарори ёхуд қуролнинг техник ва яроқлилик ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича далолатнома), ҳисобдан чиқарилиш санаси;

қуролнинг таъмирлаш учун юборилиши ва таъмирлашдан қайтарилиши;

қуролнинг техник ҳолати ва яроқлилик тоифаси тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

9. Китобнинг учинчи қисмида ўқ-дориларнинг ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади ва у мазкур Ягона талабларнинг 1в-иловасига мувофиқ шаклда юритилади.

Китобнинг мазкур қисмида:

ўқ-дориларнинг ҳисобга олинган санаси;

ўқ-дориларнинг ташкилотга қачон ва қердан келиб тушганлиги;

ўқ-дориларни ҳисобга олиш учун асос бўлган кирим ҳужжатининг (счёт-фактура, юк хати) рақами ва санаси;

ўқ-дориларнинг тури, калибри, ишлаб чиқарилган йили ва партияси ҳамда микдори;

ўқ-дориларнинг ҳисобдан чиқарилиши сабаби (бериб юборилиши (юборилган жойи кўрсатилган ҳолда), сарфланиши, йўқотилиши (талон-торож қилиниши) ёки яроқсиз ҳолга келиши) ҳамда ҳисобдан чиқариш учун асос бўлган ҳужжат (чиқим ҳужжати (счёт-фактура, юк хати), ўқ-дориларнинг сарфланиши бўйича далолатнома, суриштирув ёки дастлабки тергов органининг тегишли қарори ёхуд ўқ-дориларнинг яроқлилик ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича далолатнома), ҳисобдан чиқарилган ўқ-дорилар микдори ва ҳисобдан чиқарилиш санаси;

ўқ-дориларнинг яроқлилик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

10. Китоб ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланадиган қурол ва ўқ-дориларнинг бут сақланиши учун масъул шахс (бундан буён матнда сақлаш учун масъул шахс деб юритилади) томонидан юритилади.

11. Китоб унга кейинчалик тегишли ёзувларни киритиш имкониятини бермайдиган ва унда кўрсатилган барча ёзувларни ўқиш ва фарқлаш имконияти сақланиб қолган даражада механик ёки бошқа турда шикастланган бўлса, ундаги барча маълумотлар янги китобга тўлиқ кўчирилиши шарт. Бунда янги китобнинг юритилиши бошланган сана ўзгармайди ва аввалги (шикастланган) китобнинг юритилиши бошланган сана кўрсатилади.

12. Китоб унга кейинчалик тегишли ёзувларни киритиш ҳамда унда кўрсатилган аксарият ёзувларни ўқиш ва фарқлаш имкониятини бермайдиган даражада механик ёки бошқа турда шикастланган ёхуд йўқолган (талон-торож қилинган) бўлса, китобдаги маълумотларни тиклаш учун шикастланганлик ёки йўқолганлик (талон-торож қилинганлик) факти аниқланган кундан эътиборан икки иш куни ичида ташкилот раҳбарининг буйруғи билан ташкилот ҳисобида мавжуд бўлган барча қурол ва ўқ-дориларни инвентаризациядан ўтказиш бўйича ишлар ташкиллаштирилиши керак.

13. Инвентаризацияни ўтказиш учун ташкилот раҳбарининг буйруғи билан Қурол ва ўқ-дориларни инвентаризациядан ўтказиш комиссияси тузилади.

Унинг таркибига сақлаш учун масъул шахс, ташкилот бухгалтерияси ходими, ташкилот навбатчилик (қоровуллик) хизмати бошлиғи (агар навбатчилик (қоровуллик) хизмати мавжуд бўлса) мажбурий равишда киритилади ҳамда ҳудудий ички ишлар органининг вакили таклиф этилади.

14. Инвентаризацияни ўтказишда ташкилотда мавжуд бўлган қурол ва ўқ-дорилар бухгалтерия ҳисоби ҳамда ички ишлар органларининг тегишли

маълумотлари билан солиштириб чиқилади ва натижаси бўйича далолатнома тузилади.

Далолатнома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

15. Инвентаризация натижасида аниқланган маълумотлар асосида китоб янгидан шакллантирилади ва юритилади. Бунда янгидан юритилиши бошланган китобнинг санаси у янгидан юритилган кун ҳисобланади.

16. Шикастланган китоб Қурол ва ўқ-дориларни инвентаризациядан ўтказиш комиссиясининг китобнинг шикастланган ҳолати кўрсатилган далолатномаси асосида йўқ қилинади.

3-боб. Қурол ва ўқ-дориларни бериш ҳамда қабул қилиш журналини юритиш

17. Ташкилотда тегишли мақсадда берилган ҳамда қабул қилиб олинган қурол ва ўқ-дориларнинг ҳаракати мазкур Ягона талабларнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда юритиладиган Қурол ва ўқ-дориларни бериш ҳамда қабул қилиш журналида (бундан буён матнда журнал деб юритилади) акс эттирилади.

18. Журналда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

қурол ва ўқ-дорилар берилган шахснинг Ф.И.О. ва имзоси;

берилган ва қабул қилиб олинган қуролнинг индивидуал маълумотлари ва унга ўқ-дориларнинг миқдори;

қурол ва ўқ-дориларни бериш мақсади;

қурол ва ўқ-дорилар берилган ҳамда қабул қилиб олинган сана ва вақт;

қурол ва ўқ-дориларни қабул қилиб олган шахснинг имзоси.

19. Имзоларни қўйишда факсимиле имзодан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

20. Қурол ва ўқ-дорилар вақтинча сақлаш учун қуролхонага топширилганда бу ҳақда журналнинг изоҳ қисмида уларнинг вақтинча сақлаш учун топширилганлиги кўрсатилади.

21. Журнал сақлаш учун масъул шахс, агар ташкилотда навбатчилик (қоровуллик) хизмати мавжуд бўлса, навбатчилик (қоровуллик) хизматининг навбатчи ходими томонидан юритилади.

22. Журнал унга кейинчалик тегишли ёзувларни киритиш имкониятини бермайдиган ва унда кўрсатилган барча ёзувларни ўқиш ва фарқлаш имконияти сақланиб қолган даражада механик ёки бошқа турда шикастланган бўлса, ундаги барча маълумотлар янги журналга тўлиқ кўчирилиши шарт. Бунда янги журналнинг юритилиши бошланган сана ўзгармайди ва аввалги (шикастланган) журналнинг юритилиши бошланган сана кўрсатилади.

23. Журнал унга кейинчалик тегишли ёзувларни киритиш ҳамда унда кўрсатилган аксарият ёзувларни ўқиш ва фарқлаш имкониятини бермайдиган даражада механик ёки бошқа турда шикастланган ёхуд йўқолган (та-

лон-торож қилинган) бўлса, журналдаги маълумотларни тиклаш учун шикастланганлик ёки йўқолганлик (талон-торож қилинганлик) факти аниқланган куннинг ўзида ташкилот раҳбарининг буйруғи билан берилган ҳамда қабул қилиб олинган қурол ва ўқ-дориларни инвентаризациядан ўтказиш бўйича ишлар ташкиллаштирилиши керак.

24. Инвентаризацияни ўтказиш учун ташкилот раҳбарининг буйруғи билан Берилган ва қабул қилиб олинган қурол ҳамда ўқ-дориларни инвентаризациядан ўтказиш комиссияси тузилади.

Унинг таркибига сақлаш учун масъул шахс, ташкилот навбатчилик (қоровуллик) хизмати навбатчи ходимлари ҳамда бошлиғи (агар навбатчилик (қоровуллик) хизмати мавжуд бўлса) мажбурий равишда киритилади.

25. Инвентаризацияни ўтказишда қуролхонада сақланаётган ҳамда тегишли мақсадда берилган қурол ва ўқ-дорилар китобдаги тегишли маълумотлар билан солиштириб чиқилади ва натижаси бўйича далолатнома тузилади.

Далолатнома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

26. Инвентаризация натижасида олинган маълумотлар асосида журнал тегишли маълумотлар билан тўлдирилади ва янгидан юритилади. Бунда янгидан юритилиши бошланган журналнинг санаси у янгидан юритилган кун ҳисобланади.

27. Шикастланган журнал Берилган ва қабул қилиб олинган қурол ҳамда ўқ-дориларни инвентаризациядан ўтказиш комиссиясининг журналнинг шикастланган ҳолати кўрсатилган далолатномаси асосида йўқ қилинади.

4-боб. Яқуний қоидалар

28. Қуролхонада сақланаётган қурол ва ўқ-дорилар бир нечта ташкилотга тегишли бўлса, улар бўйича китоб ва журнал ҳар бир ташкилот томонидан алоҳида юритилади.

29. Китоб ва журнал ҳудудий ички ишлар органида ҳисобга қўйилган бўлиши лозим.

30. Сақлаш учун масъул шахс алмашганда китоб ва журнал янгидан тайинланган шахсга қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида топширилиши шарт. Журнал навбатчилик (қоровуллик) хизматининг навбатчи ходими томонидан юритилганда эса, навбатчи ходим навбатчиликни топширганда журнални навбатчиликни қабул қилиб олган ходимга топширади.

Далолатнома ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

31. Китоб ва журналнинг титул варағи қалин материал (картон)дан ишланган бўлиши ва унда ташкилот ҳамда у идоравий мансуб бўлган ташкилотнинг (агар мавжуд бўлса) номи, шунингдек у қачон юритилиши бошлангани ва тугатилгани кўрсатилиши зарур.

Китоб ва журналнинг титул варағи мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

32. Китоб ва журнал бетлари изчил кетма-кетликда рақамланган ва ип ўтказиб тикилган бўлиши керак.

Китоб ва журналнинг охириги бетида унинг нечта бетдан иборат эканлиги кўрсатилиши ва ушбу маълумот ташкилот раҳбарининг имзоси ҳамда муҳри, шунингдек ҳудудий ички ишлар органи масъул ходимининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Китоб ва журналнинг охириги варағи мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

33. Китоб ва журналдаги ёзувлар кўк ёки қора рангли шарикли ручка билан аниқ ёзилиши шарт. Ёзувни қайд қилишда ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмайди. Хато ёзилганда у матнни ўқиш имкониятини берадиган ҳолда ингичка чизиқ билан ўчирилиб, унинг тепасидан тўғирланган ёзув киритилади ва тегишли ёзув киритилган сатрнинг изоҳ қисмида «тузатилди» деб ёзиб қўйилади ҳамда матнни тўғирлаган шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

34. Китоб ва журнал тўлиқ тўлдирилгунча юритилади.

Тўлиқ тўлдирилиб, юритилиши тугатилган китоб ўн йил, журнал эса, уч йил давомида ташкилотда сақланиши ҳамда ушбу муддатлар яқунлангандан сўнг, ҳудудий ички ишлар органига йўқ қилиш учун топширилиши лозим.

35. Китоб ва журналнинг бутлиги ва тўғри тўлдирилишига сақлаш учун масъул шахс, журнал навбатчилик (қоровуллик) хизматининг навбатчи ходими томонидан юритилганда эса, тегишли навбатчи ходим жавобгар ҳисобланади.

36. Китоб ва журнал қулфланадиган сейф ёки металл шкаф (яшик)да сақланади.

37. Китоб ва журналнинг мазкур Ягона талабларга мувофиқ юритилиши устидан ташкилот раҳбари доимий назорат олиб бориши шарт. Бунда китобнинг юритилиши ҳар чоракда, журналнинг юритилиши эса ҳар ой ташкилот раҳбари томонидан текшириб борилиши керак. Агар ташкилотда навбатчилик (қоровуллик) хизмати мавжуд бўлса, журналнинг юритилиши навбатчилик (қоровуллик) хизмати бошлиғи томонидан текшириб борилади.

38. Зарур ҳолларда китоб ва журналга қуролни олаётган шахснинг хизмат вазифаларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, китоб ва журналдаги мазкур Ягона талабларга мувофиқ кўрсатилиши лозим бўлган маълумотларнинг ҳажми ва мазмуни қисқартирилмасдан қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин.

39. Мазкур Ягона талаблар қоидаларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

40. Мазкур Ягона талаблар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўздавзахира» қўмитаси, Марказий банки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзкимё-

саноат» ДАК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўздонмахсулот» АК, «Ўзэлтехсаноат» АК, «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК, «Навий кон-металлургия комбинати» ДК, «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

Ш. ТЕШАЕВ

2015 йил 26 июнь

*Маданият ва спорт
ишлари вазири*

Б. АХМЕДОВ

2015 йил 25 июнь

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

2015 йил 22 июнь

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири*

Х. МИРЗАХИДОВ

2015 йил 22 июнь

*Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитаси раиси*

И. ТУРАМУРАТОВ

2015 йил 19 июнь

*Табиатни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси раиси*

Б. АБДУСАМАТОВ

2015 йил 18 июнь

*«Ўздавзахира»
қўмитаси раиси*

Ж. КАДИРОВ

2015 йил 16 июнь

*Марказий банк
Бошқаруви раиси*

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2015 йил 16 июнь

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
МАК бош директори*

В. ТЯН

2015 йил 16 июнь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ бошқаруви раиси*

А. РАМАТОВ

2015 йил 15 июнь

*«Ўзкимёсаноат» ДАК
бошқаруви раиси*

Н. ИБРАГИМОВ

2015 йил 15 июнь

*«Ўзбекэнерго» ДАК
бошқаруви раиси*

И. БАСИДОВ

2015 йил 15 июнь

*«Ўздонмахсулот» АК
бошқаруви раиси*

Э. КУДРАТОВ

2015 йил 12 июнь

«Ўзэлтехсаноат» АК раиси

Э. ИМИНОВ

2015 йил 12 июнь

*«Ўзбекнефтегаз» МХК
бошқаруви раиси*

Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ

2015 йил 11 июнь

*«Ўзвиносаноат-холдинг»
ХК бошқаруви раиси*

Ш. РАХИМОВ

2015 йил 10 июнь

*«Навоий кон-металлургия
комбинати» ДК бош директори*

Қ. САНАҚУЛОВ

2015 йил 10 июнь

*«Олмалиқ кон-металлургия
комбинати» АЖ бош директори*

А. ФАРМАНОВ

2015 йил 9 июнь

*Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташиклоти
Марказий Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2015 йил 9 июнь

*Ўзбекистон овчи ва балиқчилар
спорт бирлашмаси Раёсати раиси*

С. АЮПОВ

2015 йил 8 июнь

Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларга
1а-ИЛОВА

**Қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш
КИТОБИ**

(китобнинг биринчи қисми)

**Қурол ва ўқ-дориларнинг жамланма
ҲИСОБИ**

Т/р	Ёзув киритилган сана	(қуролнинг тури, номи, маркаси, модели ва калибри)			(қуролга ўқ-дорилар (партияси, калибри ва миқдори (дона))		
		ҳисобга олинган	ҳисобдан чиқарилган	ҳисобда мавжуд	ҳисобга олинган	ҳисобдан чиқарилган	ҳисобда мавжуд
	1	2	3	4	5	6	7

Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларга
16-ИЛОВА

399-МОДДА

**Қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш
КИТОБИ**

(китобнинг иккинчи қисми)
**Қуролнинг индивидуал
ҲИСОБИ**

Т/р	Қурол ҳисобга олинган сана	Қурол қайси ташкилотдан келиб тушганлиги ва санаси	Келиб тушган қуролнинг қирим хужжати (счѐт-фактура, юк хати) санаси ва рақами	Ҳисобга олинган қуролга оид индивидуал маълумотлар			Қуролнинг ҳисобдан чиқарилишига оид маълумотлар				Қуролнинг таъмирлаш учун юборилганлиги ҳақида маълумот				Қуролнинг техник ҳолати ва яроқлилик тоифаси	Изоҳ
				тури, номи, маркаси ва модели	калибри	иншлаб чиқарилган йили	завод серияси ва рақами	ҳисобдан чиқарилиши сабаби (бериб юборилиши (юборилган жойи кўрсатилган ҳолда), йўқотилиши (талон-торож қилиниши) ёки яроқсиз ҳолга келиши)	ҳисобдан чиқариш учун асос бўлган хужжат, унинг рақами ва санаси	ҳисобдан чиқарилган сана	таъмирлаш учун юборилганлиги	таъмирлашдан қайтарилганлиги	юборилган ташкилот номи, юборилган сана	юк хатининг рақами ва санаси		
1				4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

— 26 —

30 (686) -сон

Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларга
1в-ИЛОВА

**Қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш
КИТОБИ**

(китобнинг учинчи қисми)

**Ўқ-дориларнинг
ҲИСОБИ**

Т/р	Ўқ-дорилар ҳисобга олинган сана	Ўқ-дорилар қайси ташкилотдан келиб тушганлиги ва санаси	Келиб тушган ўқ-дориларнинг кириш ҳужжати (счёт-фактура, юк хати) санаси ва рақами	Ҳисобга олинган ўқ-дориларга оид маълумотлар				Ўқ-дориларнинг ҳисобдан чиқарилишига оид маълумотлар				Ўқ-дориларнинг яроқлилик ҳолати	Изоҳ
				тури	калибри	иншалаб чиқарилган йили ва партияси	миқдори (дона)	ҳисобдан чиқарилиши сабаби (бериб юборилиши (юборилган жойи кўрсатилган ҳолда), сарфланиши, йўқотилиши (талон-тороғ қилиниши) ёки яроқсиз ҳолга келиши)	ҳисобдан чиқариш учун асос бўлган ҳужжат, унинг рақами ва санаси	ҳисобдан чиқарилган ўқ-дорилар миқдори (дона)	ҳисобдан чиқарилган сана		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	

Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларга
2-ИЛОВА

**Қурол ва ўқ-дориларни бериш ҳамда қабул қилиш
ЖУРНАЛИ**

Т/р	Берилган қурол ва унга ўқ-дорилар, бериш мақсади				Қурол ва ўқ-дорилар берилган сана ва вақт		Қурол ва ўқ-дориларни олган шахнинг имзоси	Қабул қилиб олинган қурол ва унга ўқ-дорилар				Қурол ва ўқ-дорилар қабул қилиб олинган сана ва вақт		Қурол ва ўқ-дориларни қабул қилиб олган шахнинг имзоси	Изоҳ
								қуролнинг тури, номи, маркази, модели ва калибри	қуролнинг завод серияси ва рақами	қуролга ўқ-дорилар сони (дона)	бериш мақсади				
фойдаланилмай қолган	фойдаланишда отилмай қолган (осечка)	сана (кун, ой, йил)	вақт (соат / дақиқа)												
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига кўйиладиган ягона талабларга
З-ИЛОВА

**Қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоби
(Қурол ва ўқ-дориларни бериш ҳамда қабул қилиш
журнали) титул варағининг
ШАКЛИ**

_____ (идоравий мансуб ташкилотнинг номи (мавжуд бўлса))

«Times New Roman»
14 ўлчамли шрифтда

_____ (ташкилот номи)

«Times New Roman»
14 ўлчамли шрифтда

_____ (журнал ёки китобнинг номи)

«Times New Roman»
18 ўлчамли шрифтда

«Times New Roman»
12 ўлчамли шрифтда

Юритилиш бошланди: 20 ____ йил « ____ » _____.

Юритилиш тугатилди: 20 ____ йил « ____ » _____.

_____ шаҳри — _____ йил

«Times New Roman»
12 ўлчамли шрифтда

Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларга
4-ИЛОВА

**Қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоби
(Қурол ва ўқ-дориларни бериш ҳамда қабул қилиш
журнали) охириги варағининг
ШАКЛИ**

«Times New Roman»
12 ўлчамли шрифтда

Мазкур журналда (китобда) жами _____ варақ рақамланган
(____ бетдан _____ бетгача (қўшган ҳолда) ҳамда ип ўтказилиб тикилган.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

_____ (ташкilot раҳбарининг Ф.И.О.)

(имзо)

20 _____ йил « _____ » _____

М.Ў.

«ҲИСОБГА ОЛИНДИ»

_____ (худудий ички ишлар органи ходимининг лавозими,
унвони ва Ф.И.О.)

(имзо)

20 _____ йил « _____ » _____

М.Ў.